

Қуръони Карим дарслари (9-дарс). Қуръон ваҳийсининг бошланиши



18:03 / 26.11.2018 8679

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшга етганларида ёлғизликни хоҳлаб қолдилар. Макка атрофидаги тоғлардан биридаги «Ҳиро» номли ғорга кириб, бир неча кунлаб «таханнус» деб аталган ибодат қилдилар. Дунёнинг муаммолари ҳақида, ундаги разолатларни қандай йўқотиш, ҳақиқатни, адолатни юзага чиқариш ва бошқа муҳим ишлар тўғрисида ёлғиз ҳолда фикр юритдилар. Баъзида уйга озиқ-овқат учун ўзлари тушар, баъзан эса уйдан озиқ-овқат келтириб беришарди. Бу эса у зотни Аллоҳ таоло тарафидан пайғамбарликка тайёрлаш эди.

Кунлардан бир куни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳиро ғорининг оғзига чиқишлари билан «Ўқи!» деган гулдурас овозни эшитдилар. У зот: «Ўқишни билмайман», деб жавоб бердилар. Бир нарса елкаларидан сиқди-

да, қўйиб юбориб, яна: «Ўқи!» деди. У зот алайҳиссалом яна: «Ўқишни билмайман», дедилар. Бу ҳол уч марта такрорланганидан сўнг гулдурас овоз Алақ сурасининг дастлабки беш оятини ўқиди. Унинг сўзлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига тошга ўйилгандек муҳрланиб қолди. У киши нима бўлаётганини тушуна олмай, қўрқиб кетдилар ва шошиб уйга қайтдилар. Ранглари оқарган ҳолда уйларига кириб: «Мени ўраб қўйинглар», деб ётиб олдилар. Бир оз ўзларига келгач, бўлган воқеани жуфти ҳалоллари Хадижа онамизга сўзлаб бердилар. У киши: «Яхшилик бўлса керак, чунки сиз доимо барчага яхшилик қиласиз, сиздай одамга ёмонлик етмайди», деган маънодаги сўзларни айтиб, у зотни тинчлантирди. Кейин икковлари Хадижа розияллоҳу анҳонинг амакиваччалари Варақа ибн Навфалнинг олдига йўл олдилар. Варақа кўпни кўрган, илоҳий китоблардан бохабар, улуғ ёшдаги киши эди. Хадижа онамиздан бўлган воқеани эшитгач: «Суюнчи бер, жиян, Муҳаммадга Мусо пайғамбарга келган фаришта келибди, у охири умматнинг Пайғамбари бўлибди», деди. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан ҳам гаплашиб, иш нимада эканини тушунтирди.

Бу инсоният тарихидаги энг саодатбахш кун эди. Чунки инсоният маълум бир босқичга етган пайтда Аллоҳ таоло Ўзининг баркамол дини бўлмиш Исломнинг дастури – Ўзининг охири Китобини Ўзининг сўнги Расулига нозил қилишни бошлаган эди. Шу кундан эътиборан, адашиб юрган инсониятга Аллоҳ таолонинг Ўзи йўл кўрсатишни ирода қилган, Арш билан ер орасида яна қайтадан боғланиш бошланган эди. Шу кундан инсоният тарихида бахтли соатлар саноғи ибтидо топди. Аста-секин оятлар нозил бўлаверди. Бу жараён 13 йил Маккада ва 10 йил Мадинада – жами 23 йил давом этди.

«Қуръон илмлари» китобидан